

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Байрамингиз муборак!

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

**Янги йил арафаси** – яқунлар яшаш ва келажак режаларини тузиш давригина бўлиб қолмай, балки совғалар, ёқимли учрашувлар ва сюрпризлар вақти ҳамдир. Кўпгина компаниялар шу пайтда ходимларини рағбатлантириш, мижозлари, бизнес ҳамкорларини қутлаш, шунингдек янгиларини жалб қилишга ҳаракат қиладилар, шунингдек солиқ ходимлари – ҳозирда пенсионерларни ҳам унутмайдилар. Байрам ташвишлари – кўпчилик компаниялар учун одатий бўлган харажатлар демакдир: мукофотлар ва совғалар, офис безаклари, янги йил реклама акциялари, хайрия тадбирлари.

Янги йил ташвишлари қанчалик ёқимли бўлмасин, бухгалтернинг асосий вазифаси бошланғич ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ва янги йил тадбирларининг солиқ оқибатларини тўғри расмийлаштиришдан иборат.

### БАЙРАМ ҚАНДАЙ БОШЛанаДИ

Биринчидан, раҳбар янги йил тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида тегишли буйруқни\* чиқариши керак. Унда ўтказиладиган тадбирлар мақсадлари, муддатлари ва бюджети кўрсатилади, шунингдек уларни ўтказиш ва сарф қилинган маблағлар бўйича ҳисобот тузиш учун жавобгар

бўлган шахслар тайинланади. Ҳар бир компания турли янги йил тадбирларини ўтказиши мумкин. Биз келтираётган раҳбар буйруғи намунасида янги йил тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишнинг эҳтимолий вариантларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик.

Янги йил тадбирларини тайёрлаш ва

\*Буйруқ намунаси [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида берилган.

ўтказишга доир корхонанинг барча харажатлари ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши ва тасдиқланиши керак. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг (1996 йил 30 августдаги 279-1-сон) 9-моддаси ва Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 141-моддасида шундай талаб белгиланган. Ҳар бир муайян ҳолат бўйича тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилади:

**ходимларга мукофот ва ишламайдиган пенсионерларга моддий ёрдам тўлаш бўйича** – тарқатиш қайдномаси, чиқим касса ордерлари;

**янги йил реклама акциясини ўтказиш бўйича** – масъул шахслар томонидан тузилган ва раҳбар тасдиқлаган реклама тарқатиш материалларини ҳисобдан чиқариш далолатномалари;

**ходимлар, ишламайдиган пенсионерларга совғалар бериш бўйича** – ҳисобварақ-фактура реквизитлари бўлган



совғаларни тарқатиш бўйича қайдномалар. Солиқ солиш мақсадида мазкур ҳужжалик операцияси реализация сифатида қаралади ҳамда қайднома ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжат ҳисобланади.

4-бетда

### Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

### АМНИСТИЯ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги 253-II-сон қарори билан амнистия эълон қилинди.

Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинмоқда (чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар; ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар;

I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно);

озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати 2 йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно);

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати 3 йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилади.

Ҳужжат билан шунингдек амнистия татбиқ этилмайдиган шахслар доираси ҳам белгиланган.

### МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИНГ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 декабрдаги 319-сон қарори билан 2012 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг прогноз кўрсаткичлари маъқулланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2012 йил 1 мартга қадар фермер ҳўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб беришга доир контрактация шартномаларини тузишни ташкил қилишлари керак. Уларда ишлаб чиқаришга камида 30 фоиз бўнак бериш мажбурияти назарда тутилиши шарт.

### РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАЙДИГАН БИТИМЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил

7 декабрдаги 2287-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари)ни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. У ҳўжалик юритувчи субъектларга рақобатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки рақобатни чеклаш имконини берувчи битимлар (келишиб қилинган ҳаракатлари)ни аниқлаш тартибини белгилайди. Битимлар монополияга қарши органнинг назорат функцияларини бажаришнинг боришида, товар бозорларини таҳлил қилишда, битим тузилганини кўрсатувчи ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги давлат ва бошқа органлардан келиб тушган маълумотларни, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган аризаларни, оммавий-ахборот воситаларининг маълумотларини ўрганиш чоғида аниқланади. Тузилган битимда рақобатни чекловчи далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда монополияга қарши орган томонидан Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш кўзга тиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун бузилганлиги тўғрисида иш кўзга тилади.

2011 йил 17 декабрдан кучга кирди.

### ИМПОРТ БИТИМИ ПАСПОРТИ ТАҚДИМ ЭТИЛМАЙДИ

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 7 декабрда 832-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибини ўзгартиришлар киритилди, ушбу Тартибни Президентнинг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон) мувофиқлаштириш зарурати ўзгартиришларга сабаб бўлди. Унга мувофиқ биржа (ярмарка) импорт контрактларини ҳисобга қўйиш учун Ҳисобот-клиринг палатаси томонидан бериладиган импорт битимлари паспортини божхона органларига тақдим этиш тўғрисидаги талаб ўз кучини йўқотди.

2011 йил 17 декабрдан кучга кирди.

### ҲИСОБОТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 7 декабрда 1394-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Давлат улушларини бошқариш бўйича

ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. «Ишончли шахс» атамаси «ишончли бошқарувчи» атамасига алмаштирилди. Мониторинг ўтказиш учун маълумотлар манбаига, шунингдек ишончли бошқарувчи томонидан тақдим этиладиган ҳисобот муддатларига ҳам тузатишлар киритилди. Бундан буён жамланма ҳисобот тақдим этадиган ҳўжалик жамиятлари бўйича ҳисобот топшириш учун ҳисобот чораги тугаганидан кейин 40 кунлик муддат белгиланган (илгари давлат улушларини бошқариш бўйича ҳисобот, шунингдек чорак яқунларига доир бошқа назарда тутилган ҳужжатлар ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 30 санасига тақдим этилган эди).

Мазкур ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди. 2011 йил 17 декабрдан кучга кирди.

### КОМПЛЕКС ИНСПЕКЦИЯ ҚИЛИШГА ЎТИЛДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 9 декабрда 2217-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди.

Унга биноан режали текшириш ўрнига комплекс инспекция қилиш (текшириш) жорий қилинди, у Марказий банк кредит ташкилотлари молиявий ҳолатини кўриб чиқиш комиссиясининг инспекция қилиш (текшириш)нинг даврини кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарорига асосан ўтказилади (илгари банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш режаси календарь йили бошлангунга қадар тузилар ва Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланар, режа тасдиқлангандан кейин ташкил этилган банклар ва уларнинг филиалларида кейинги календарь йилида инспекция (текшириш) ўтказилар эди).

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди. 2011 йил 19 декабрдан кучга кирди.

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 2011 йил 9 декабрда 2288, 2289-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Нору-да материаллар (шағал, қум) ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ҳамда Савдо ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари (савдо расталари ва бозорлардаги савдо ўринлари орқали савдо қилувчи жисмоний шахслар бундан

2-бетда

## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда мустасно) тасдиқланди. Ана шу Қоидаларга кўра ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқиладди (тасдиқланади) ва юритиладди: меҳнат шартномалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашни ўз ичига олган жамоавий шартнома; тасдиқланган меҳнат шартномаларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари; меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чорақилиш иш режалари; ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари; меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали; ёнғин-техникавий машғулотларини ўтказиш дастури; ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари. Бундан ташқари, улар қуйидаги ҳужжатларни ҳам ишлаб чиқишлари лозим: ўта хавфли шартномаларда бажариладиган ишлар рўйхати (улар фақат расмийлаштирилган наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилади); касблар ва мутахассисликлар рўйхати; касба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхати.

Шунингдек ходимлар сони 50 нафар ва ундан ортиқ бўлган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Агар ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори 50дан кам бўлса, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

2011 йил 19 декабрдан кучга кирди.

2011 йил 3 декабрдан 9 декабргача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларининг эксперт-юримиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ДЖУМАШЕВ тайёрлади.


## ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ СОТИШ САВДО ФАОЛИЯТИГА КИРМАЙДИ

Ташкилотнинг асосий фаолият тури ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ўз маҳсулотимизни асосан пул ўтказиш йўли билан реализация қиламиз, бироқ унинг бир қисмини НКМни қўллаган ҳолда нақд пулга сотамиз. Корхонада улгуржи савдога лицензия ҳамда чакана савдога рухсат берувчи гувоҳнома бор. Солиқ солиш мақсадида чакана усулда сотиш чакана савдо ҳисобланадими ёки у асосий фаолиятга – пул ўтказиш йўли билан сотишга кирадими?

Бош бухгалтер.

– Солиқ солиш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дўконлари орқали реализация қилиш савдо фаолияти сифатида қаралмайди (Солиқ кодекси 350-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси).

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар уни лицензиясиз улгуржи тарзда, шунингдек НКМ ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаган ҳолда савдога рухсат бериш гувоҳномасини олмасдан чакана сотишга ҳақлилар.



## ҲИСОБЛАГИЧНИ ЎЗГАРТИРИНГ

Туман электр тармоқлари корхонаси ташкилотимиз ўз ҳисобидан электр қувватини ҳисобга олиш бўйича янги автомат ҳисоблагичларини ўрнатишини талаб қилляпти. Бизга муддат белгилаб, агар буни қилмасак, бизни тармоқдан ўчиришларини айтишди. Ташкилот катта оборотларга эга эмас, унга қарашли бинода чакана савдо дўкони ва гўзаллик салони жойлашган. Ушбу ускунани ўрнатиш эса анча пул, 4 млн сўм атрофида туради. Эшитишимизча, фақат йирик корхоналар, биринчи навбатда ишлаб чиқариш корхоналари энергия ҳисобини юритишнинг янги шаклига мажбурий равишда ўтишлари керак экан. ЭТКнинг талаби қонунийми?

Бош бухгалтер.

Реклама

**NORMA**

Эксперт маълумотнома тизими

### КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

## ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМИ – МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЮРИТИНГ


Ташкилот асосий ишга ходимни қабул қилди, бироқ унга меҳнат дафтарчаси очмади. Бир йилдан кейин бу ҳолат аниқланди. Биз ҳозир нима қила оламиз? Меҳнат дафтарчасини бугунги сана билан оча оламизми? Бандлик бўлимида бизга бу ҳуқуқбузарлик учун жарима солишларини айтишди, бироқ қанча миқдорда бўлишини айтишмади. Меҳнат дафтарчасини ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун жавобгарлик белгиланганми?

Кадрлар бўйича инспектор.

– Меҳнат дафтарчасини «муддати кечиктирилган» даврдан қатъи назар расмийлаштириш лозим, чунки иш берувчи корхонада 5 кундан кўп ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчаларини юритиши шарт (Меҳнат кодекси 81-моддасининг иккинчи қисми).

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) VIII бўлимига мувофиқ меҳнат дафтарчаларини юритиш, олиш, ҳисобга

қўйиш ва улардан фойдаланиш тартибини бузган мансабдор шахслар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Мазкур ҳолда ходимга меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади, бунинг учун энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўллаш назарда тутилган.



– Туман электр тармоқлари корхонасининг талаблари Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига (2009 йил 5 июндаги 150-сон) асосланган. Унинг 7-бандига биноан барча хўжалик юритувчи субъектлар учун 2011 йил охирига қадар энергия истеъмолининг ишлаб турган объектларини электр энерги-

ясини назорат қилиш автомат тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олиш электрон асбоблари билан жиҳозлаш талаби жорий этилган.

Кўрсатилган ҳужжат 8-бандининг олтинчи хатбошисига кўра «Ўзбекэнерго» ДАК бўлинмалари 2012 йил 1 январдан бошлаб айтиб ўтилган электрон асбобларни ўрнатмаган истеъмочилар – хўжалик юритувчи субъектларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатишлари мумкин.

Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

УШБУ СОНДА:

- ✓ БАЙРАМ МУБОРАК!  
– Янги йил байрами харажатларининг ҳисоби  
– Энг яхши аудитор ким?  
**1, 4-6-бетлар**
- ✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР  
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
**1-2-бетлар**
- ✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ  
– Ўз маҳсулотини сотиш савдо фаолиятига кирмайди  
– Ишга қабул қилиндими – меҳнат дафтарчасини юритинг  
– Ҳисоблагични ўзгартиринг  
– Валюталар курси  
**2-бет**
- ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

- Пенсия олиш олдидан ўйлар  
**3-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ  
– Биринчи марта ишга кирганда  
– Зиддиятни изламанг  
– Ходим ишдан бўшаш ниятидан қайтди  
– Интизомий жазоларнинг қонунийлиги  
– Раҳбар тайинлаган кенгаш жамоа вакили бўла олмайди  
– Бир йил ўтгач ишдан бўшатишса...  
– Таътилдан чиқиб ишдан бўшаш  
– Ҳар хил ишларни бажарувчи ишчи: унга даража белгиланмаган  
**7-8-бетлар**

### МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	19.12.2011	1	0,7864	1	1,0218	1	0,0246
Арманистон	16.12.2011	1	382,23	1	498,16	1	12,02
Беларусь	17.12.2011	1	8450	1	11000	1	266
Грузия	17.12.2011	1	1,6562	1	2,1592	1	5,2131
Қозоғистон	16.12.2011	1	148,08	1	192,5	1	4,65
Қирғизистон	17.12.2011	1	46,6633	1	60,7836	1	1,4688
Латвия	19.12.2011	1	0,539	1	0,702804	1	0,017
Литва	19.12.2011	1	2,6522	1	3,4528	10	8,3449
Молдова	19.12.2011	1	11,8503	1	15,4415	1	0,372
Тожикистон	17.12.2011	1	4,7587	1	6,2025	1	0,149
Ўзбекистон	13.12.2011	1	1787,54	1	2391,64	1	56,62
Украина	19.12.2011	100	798,99	100	1043,801	10	2,5149
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

# ПЕНСИЯ ОЛИШ ОЛДИДАН ЎЙЛАР



Турмуш ўртоғим яқинда 60 га тўлади. Бизда пенсияни расмийлаштириш билан боғлиқ саволлар юзага келди.

Айтишларича, пенсия тайинлаш учун ҳужжатлар берилаётганда Пенсия жамғармаси ходимлари иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатлар талаб қилишаркан. Ҳужжатлар тақдим этилмаса, стажга ҳисобланмас экан. Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунда киши иш стажини тасдиқлаши кераклиги айтилмаган, бироқ Пенсия жамғармаси ходимлари қандайдир идоравий йўриқнома бор дейишади.

1. Тушунтириб берсангиз, қонун ҳужжатларига кўра қачон ва қандай ҳолларда ходимлар меҳнат дафтарчасида кўрсатилган иш стажини тасдиқлашни талаб қилиш ҳуқуқига эгалар, киши уни тасдиқлай олмаса, нима қилиш керак?

2. Турмуш ўртоғим кейинги 10 йилда расман ҳеч қаерда ишламаган. Тегишинча, ушбу йилларда иш ҳақи олганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотномалар тақдим эта олмайди. Бироқ унинг стажи зарур минимумдан ошади. Унга ҳеч бўлмаганда энг кам пенсия ҳисобланадими? Бугунги кунда у қанча миқдорни ташкил этади?

О.Горбунова.

– 1. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 252-сон Низом) 59-бандига биноан меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, шунингдек меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари (пенсия тайинлаш учун зарур стаж) тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, Пенсия жамғармаси ходимлари иш стажини тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун қайдномалар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги

маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилишлари мумкин.

**МИСОЛ.** Махсус иш стажини тасдиқлаш учун меҳнат дафтарчасидаги биргина ёзувнинг ўзи етарли эмас, чунки унда касб (лавозим)нинг номи, бажариладиган ишнинг хусусияти ёки пенсияга талабгор шахс ишлаган ташкилотнинг мақоми тўғрисида батафсил ахборот мавжуд эмас. Ушбу ҳолда иш жойидан маълумотнома тақдим этиш лозим, унда имтиёзли пенсия таъминотиға ҳуқуқни тасдиқлаш учун барча маълумотлар кўрсатилади.

Меҳнат дафтарчасида кўрсатилган бутун иш стажини кўшимча ҳужжатлар билан тасдиқлашни асоссиз талаб қилиш нотўғри.

**Агар фуқаро иш стажини тасдиқлай олмаса, у қуйидагича тасдиқланади:** иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳар-


бий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссия томонидан;

авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд бўлмаганда ва уларни олиш имкони бўлмаганда – суд тартибиде.

Агар стаж на ҳужжатлар, на махсус комиссия, на суд томонидан тасдиқланмаса – у пенсияни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди.

2. Қонуннинг 31-моддасига кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади. Меҳнат фаолиятининг охириги 10 йили пенсия олиш учун мурожаат қилишга бўлган ўн календарь йилга мувофиқ келиши шарт эмас.

**МИСОЛ.** Киши 2011 йил декабрида 60 га тўлади. Меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги охириги ёзув 2011 йил декабрида киритилган. Шундан кейин у ҳеч қаерда ишламаган (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома



бўйича хизматлар кўрсатмаган, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмаган ва солиқлар ҳамда ижтимоий сугуртага бадаллар тўлаши шарт бўлган бирор-бир даромад олмаган). Ушбу ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик даромад 1991 йил декабридан 2001 йил декабригача (меҳнат фаолиятининг охириги 10 йили) кетма-кет исталган 5 йил учун ҳисоб-китоб қилинади.

Агар турмуш ўртоғининг даромади унинг меҳнат фаолияти охириги 10 йили мобайнида энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлса ёки унинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар бутунлай йўқ бўлса, пенсия ЭКИХдан келиб чиқиб ҳисобланади (Қонун 31-моддасининг олтинчи қисми).

Агар турмуш ўртоғининг стажи ҳеч бўлмаганда 5 йилни ташкил қилса, у энг кам пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳолда пенсиянинг энг кам миқдори (иш стажи тўлиқ эмас, бироқ 5 йиллик иш стажи мавжуд) энг кам иш ҳақининг 50%ини (Қонуннинг 29-моддаси), яъни мазкур пайтда – 31 460 сўмни ташкил қилади. Агар унинг иш стажи 25 йил ва ундан кўпни ташкил қилса, у ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорини олишга ҳақли, у 2011 йил 1 декабрдан бошлаб 123 060 сўмни ташкил қилади<sup>2</sup>.

**Мария ТУХТАРОВА,**  
эксперт-юристуши.

## Ҳамдўстлик мамлакатларида

### ПЕНСИЯМ КЎПАЙСИН ДЕСАНГ

Россияликларга 2008 йил 1 октябрдан эътиборан келгусида оладиган пенсияларини кўпайтириш имконияти яратиб берилган. Бу нарса давлатнинг молиявий иштироки билан, пенсияларни давлат йўли билан кўшимча молиялаштириш дастури орқали амалга оширилмоқда. Ўтган давр ичида дастурга 5,7 млн россиялик қўшилди дейилади Россия Федерацияси Пенсия жамғармасининг матбуот хизмати тарқатган хабарда.

Давлат йўли билан кўшимча молиялаштириш маблағларини 2012 йилда олиш учун Россия фуқаролари 2011 йилнинг охирига қадар келгусида оладиган пенсияларининг жамғариб бориладиган қисмига 2 000 рублдан 12 000 рублга қадар миқдорда бадал тўлашлари лозим. Ана шундай қилинган тақдирда давлат бадални 2 қарра кўпайишини таъминлайди, бинобарин мазкур шахсининг пенсия ҳисобварағига шунча миқдорда сумма ўтказилади. Пенсияни давлат йўли билан кўшимча молиялаштириш дастурига 2013 йилнинг 1 октябрига қадар қўшилиш мумкин. Дастур фуқаро биринчи бадални ўтказган пайтдан эътиборан 10 йилга мўлжалланган. Дастурда иштирок этиш учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлинмасига шахсан ёки ўз иш берувчиси ёхуд Пенсия жамғармаси билан тегишли келишув тузган ташкилотлар – трансферт-агентлар орқали ариза

бериш керак. Мазкур дастурга Интернетдаги давлат хизматлари портали орқали ҳам қўшилиш мумкин.

### КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИГА ҲАҚ ТўЛАШДА ЯНГИ ТАРТИБ

Украина иш берувчилар федерацияси ҳамда Ижтимоий сиёсат вазирлиги касаллик варақаларига ҳақ тўлаш тартибига ўзгартиш киритишни мўлжалламоқда, деб хабар қилади «Сегодня» газетаси.

Шу хусусда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ходимга касаллик сабабли ишга чиқа олмаган кунлар учун, стажидан қатъи назар, оладиган ўртача иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Ҳозирги кунда касаллик варақалари бўйича иш стажи 5 йилдан кам бўлса, ўртача иш ҳақининг 60 фоизи, иш стажи 5-8 йил бўлса 80 ва стаж 8 йилдан ортиқ бўлса, 100 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Мўлжалланаётган янгиликдан иш стажи 8 йил эканлиги боис 100 фоиз ҳақ олаётганлардан бошқа ходимлар наф кўриши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирча лойиҳадаги гаплар, ўзгартишларнинг ҳеч бири тасдиқланганича йўқ. Ижтимоий сугурта жамғармаси ходимлари лойиҳа рад этилса керак деган фикрда, чунки янги нормалар фуқароларнинг ҳуқуқларини бирмунча чеклаб, торайтириб қўяди.

**Интернет тармоғи материалларидан.**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

### ОГОҲЛИК – ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Мамлакатимизда республика ҳукуматининг тегишли қарори асосида Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан мақсад аҳоли уй-жойлари, ижтимоий-иқтисодий объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш, халқимизнинг бу борадаги масъулияти ва ҳушёрлигини оширишдан иборат.



Ойлик доирасида ёнғин хавфсизлиги хизматлари куч ва воситаларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий иншоотлар ва аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Мазкур ойликнинг айнан қиш мавсуми бошланишида ўтказилишининг

ўзига хос сабаблари бор – кунлар совий бошлаши билан иситиш манбаларига эҳтиёж ошади. Жойларда газ, электр энергияси ва бошқа иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, иситиш асбобларини тармоққа ўзбошимчалик билан улаш ҳолатлари кўпаяди. Пойтахтимизнинг ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томо-

нидан бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича корхона, ташкилот ҳамда маҳаллаларда кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Таҳсилларнинг кўрсатишича, ёнғинларнинг аксарияти уй-жойларда ҳамда қурилиш объектларида содир бўлади. Шу туфайли қурилиш ишлари олиб борилаётган жойларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан «Вагонча» тадбирлари ўтказилиб, уларда шахримизда қурилаётган ва қайта таъмирланаётган масканлардаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари текшириб борилаётир. Текширувларда аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан маҳаллий ҳокимият ва юқори турувчи ташкилотларга тегишли ахборотномалар тақдим этиб борилмоқда.

**Фаррух ЭРГАШЕВ,**  
Шайхонтоҳур туман  
7-ҲҲО 13-ҲҲҚ  
бошлиғи, майор,  
**Баҳодир МАНСУРОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
ҲҲБ МТЭБ катта  
муҳандиси, майор.

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

1-бетда

Кўрсатиб ўтилган барча ҳолатларда раҳбар буйруғи билан тайинланган масъул шахслар уларга юклатилган вазифалар бажарилганлиги ва амалга оширилган сарф-харажатлар тўғрисидаги ҳисобот тузилади.

Харажатларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари, ҳисобдор ва масъул шахслар ҳисоботлари ихтиёрий шаклда, белгиланган талабларга риоя этган ҳолда тузилади.

«Азиза» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)

Тошкент ш.

2011 йил «30» ноябрь

Янги йил муносабати билан байрам тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида  
**98-1-сон БУЙРУҚ**

Янги йилни нишонлаш муносабати билан

**БУЮРАМАН:**

1. Барча ходимларга 200 000 сўм миқдоридан бир марталик мукофот тўлансин.
2. Ишламайдиган пенсионерларга ЭКИХнинг 6 баравари миқдоридан моддий ёрдам берилсин.
3. Ходимларнинг 12 ёшгача бўлган болаларига қиймати 35 000 сўмдан бўлган совға тўпламлари берилсин.
4. Ходимларнинг болалари учун янги йил арчаси уюштирилсин (янги йил томошаларига чипталар харид қилинсин).
5. "\_\_\_\_\_ " шаҳридаги "\_\_\_\_\_ " -сон меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун янги йил томошаси уюштирилсин.
6. "\_\_\_\_\_ " шаҳридаги «Саховат» (қариялар ва ногиронлар) уйига 2 000 000 сўм миқдоридан бегараз молиявий ёрдам кўрсатилсин.
7. 1-6-бандларда кўрсатилган тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун кадрлар бўлими бошлиғи Исаева А.Б. жавобгар этиб тайинлансин.
- 2011 йил 5 декабрда бўлган муддатда тадбирлар режаси ва белгиланган шаклдаги харажатлар сметаси кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тайёрлансин ва тақдим этилсин.
8. Реклама материаллари (логотипли сувенирлар) тарқатиш, янги йил безакларини харид қилиш ва пештахталарни байрамона расмийлаштириш орқали ажратилган маблағлар – 650 000 сўм доирасида янги йил реклама акцияси ўтказилсин. Маркетинг бўлими бошлиғи Орипова С.Н. масъул шахс этиб тайинлансин.
9. Корхона бухгалтерияси бухгалтерия ва солиққа оид қонун ҳужжатлари меъёрларига мувофиқ зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва харажатларни ҳисобдан чиқарсин (масъул шахс – Иброҳимова Д.М.).

Директор  
Мўминов Б.Б.

(имзо)

Буйруқ билан танишиб чиқдик:  
Кадрлар бўлими бошлиғи  
Исаев А.Б.

(имзо)

Маркетинг бўлими бошлиғи  
Орипова С.Н.

(имзо)

Бош бухгалтер  
Иброҳимова Д.М.

(имзо)

## ҚОРБОБО РОЛИДА – ИШ БЕРУВЧИ

Янги йил арафасида совға олиш ва бериш жуда ҳам мароқли. Ушбу ёқимли анъана ўзига хос, ҳеч нарсага етмайдиган байрам шукуҳи, яхши кайфият ва илиқ муносабатларни юзага келтиради. Жумладан корхоналар ҳам ходимларини бир марталик мукофотлар, совғалар ёхуд иккиси билан ҳам хурсанд қилишга ҳаракат қиладилар. Раҳбарлар ўз вақтида корхона ривожига ўзининг ҳиссасини қўшган, пенсияга чиқиб кетган ходимларни ҳам унутмайдилар. Уларга янги йил совғалари сифатида озиқ-овқат тўпламлари, маиший техника буюмлари ва бошқа ашёлар берилиши, моддий ёрдам тўланиши мум-

кин. Эслатиб ўтамиз, солиқ солиш мақсадида моддий ёрдам – қўллаб-қувватлаш мақсадида (бирор-бир муҳим сана ёки қийин аҳволда қолганлиги муносабати билан) корхона томонидан жисмоний шахсларга тўланадиган ва улар бажарадиган иш билан боғлиқ бўлмаган пулли тўловлардир. Уни тўлаш ҳақидаги қарорни корхона (комиссия) раҳбари моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган пенсионернинг аризаси асосида қабул қилади ва буйруқ билан расмийлаштиради.

Совға бериш анъанаси яхши. Бироқ баъзи солиқ солишга доир жиҳатлар ҳисобга олинмаса, хурсандчилик ўрнига у совға берувчиларга ҳам, олувчиларга ҳам анча ташвиш келтириши мумкин.

**МИСОЛ.** Раҳбар буйруғи билан корхонанинг барча ходимларига Янги йилга 400 минг сўмдан мукофот берилди. Солиқ 3 нафар ходимга эса (пенсионерларга) уларнинг аризасига кўра моддий ёрдам – ҳар бирига 300 минг сўмдан берилди. Жорий йилда пенсионерларга совғалар ва моддий ёрдам берилмаган.

Т/р	Ҳўсалиқ операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
1	Ходимларга байрам мукофоти ҳисоблаб ёзилди	4 400	2010, 9430	6710
2	Пенсионерга моддий ёрдам ҳисобланди	1 200	9430	6990
3	Ходимларга мукофотдан қуйидаги ушланмалар ушлаб қолинди (шартли равишда): жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШДС) ушланди	968	6710	6410
		198	6710	6520
4	Ходимларнинг мукофот тарзидаги даромадларидан ЯИТ ҳисобланди	1 100	2010, 9430	6520

**Фойда солиғи.** Янги йилга бериладиган бир марталик мукофотлар фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар деб тан олинади (СК 147-моддасининг 21-банди). Ишламайдиган пенсионерларга моддий ёрдам ана шундай харажатлар ҳисобланади (СК 147-моддасининг 27-банди).

**ЯСТ.** Мукофот ва моддий ёрдам тўлаш харажатлари ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайди.

**ЖШДС.** Корхона ходимларига бериладиган бир марталик мукофотлар рағбатлантириш тусидаги тўловлар сифатида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиш объекти ҳисобланади (СКнинг 171, 173-моддалари).

Пенсияга чиқиб кетган солиқ ходимларга



## СОВГАЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИ

Совғаларга солиқ солиниши корхона уларни Янги йилга махсус харид қилганлиги ёки совға сифатида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва (ёки) олдин қайта сотиш учун харид қилинган товарлар берилганлигига боғлиқ.

**Байрам учун махсус харид қилинган совғалар** 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағида кирим қилинади, уларнинг чиқиб кетиши эса тегишли солиқ оқибатлари билан бошқа реализация деб эътироф этилади (9220-«Бошқа аткивларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи қўллаб акс эътирилади).

**Фойда солиғи.** Совға учун амалга оширилган харажатлар солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга киритилади (СК 147-моддасининг 9-банди).

**ҚҚС.** Харид қилинган совғалар бўйича ҚҚС суммаси СК 219-моддасининг 6-бандига биноан ҳисобга қабул қилинмайди, балки уларнинг харид қийматига киритилади. Совғаларни беришда ҚҚС бўйича оборот юзага келади (СК 199-моддаси биринчи қисминининг 1-банди). Солиқ солинадиган база ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган, уни реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади (СК 204-моддасининг ўн учинчи қисми). Совғалар таннархи бўйича берилганда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база, тегишинча, ҚҚС суммаси ногла тенг бўлади.

Чет ташкилотлардан харид қилинган совғаларни беришда ЯСТ тўловчиларда солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Агар корхона совға сифатида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки қайта со-

тўланган, моддий ёрдам сифатида расмийлаштирилган тўловлар (пенсионернинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаси асосида раҳбар буйруғи бўйича тўланган) уларни олувчиларда бошқа даромадлар деб эътироф этилади, аммо уларга энг кам иш ҳақи миқдорининг 6 баравари доирасида ЖШДС солинмайди (СК 179-моддасининг 14-банди). Моддий ёрдам шу миқдор доирасида тўланганда (2011 йилда – 377 520 сўм) пенсионерлар учун солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Корхона бухгалтерияси моддий ёрдам олган ҳар бир пенсионер бўйича МВ ва ДСҚ қарорининг (АВ томонидан 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-иловасига биноан шакл бўйича солиқ инспекциясига йил тугаганидан кейин 30 кун давомида тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушланган суммалари тўғрисидаги маълумотнома тақдим этиши кераклигини ёдда тутиши лозим. Худди шу маълумотнома 1 апрелга қадар олган даромадларини декларация қилиши керак бўлган пенсионерларга ҳам берилди.

**ЯИТ ва суғурта бадаллари.** Ходимларга бериладиган мукофотлар ЯИТ ва суғурта бадаллари солинадиган даромадлар таркибига меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар сифатида киритилади (СК 173-моддасининг 1-банди). Ишламайдиган пенсионерларга бериладиган моддий ёрдамдан бошқа даромад сифатида ЯИТ ва суғурта бадаллари олинмайди.

**тиш учун олдин харид қилинган товарларни берса,** у ҳолда бухгалтерия ҳисобида улар 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот», 2910-«Омборлардаги товарлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинади, уларнинг чиқиб кетиши эса реализация деб эътироф этилади ҳамда даромадларни ҳисобга олувчи ҳисоварақлар – 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» ҳисобварақларида акс эътирилади. Улар бўйича солиқ оқибатлари бошқача бўлади.

**Фойда солиғи ва ЯСТ** ҳисоб-китобида сотишдан олинган тушумга маҳсулот таннархи ёки товарларнинг харид қиймати киритилади (СК 130-моддасининг ўн биринчи қисми; СК 355-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди).

**ҚҚС** бўйича солиқ солинадиган база ушбу ҳолда бепул берилган маҳсулот (товарлар) таннархидан келиб чиқиб белгиланади (СК 204-моддасининг иккинчи қисми).

Совға олувчилар учун улар корхонанинг тайёр маҳсулоти (товарлари) ёки четдан харид қилинган совғалар олганликлари аҳамиятсиз – иккала ҳолда улар учун солиқ оқибатлари бир хил бўлади.

**ЖШДС.** Ходимлар учун совғаларнинг қиймати моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади (СК 177-моддасининг 2-банди), у жами даромадга киритилади. Бунда 1 йил давомида ЭКИХнинг 6 бараваригача бўлган совға қийматига (2011 йилда – 377 520 сўм) ЖШДС солинмайди, ошган сумма эса солиқ солинадиган даромадга киритилади (СК 177-моддасининг 2-банди; СК 179-моддасининг 14-банди). Эслатиб ўтамиз, муайян ходимнинг даромадларидан имтиёзни ҳисобга олган ҳолда солиқни ҳисоблаб

# ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

чиқаришда унга йил мобайнида берилган барча совғалар ҳисобга олинади.

Ишламайдиган пенсионерлар учун совғалар (агар улар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлмаса) қиймати ҳам моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади, ундан шкала бўйича ёки энг юқори ставкада (пенсионернинг аризасига кўра) солиқ ушла-нади. Агар корхона солиқни шкала бўйича ушласа, у СК 179-моддасининг 14-банди бўйича имтиёзни қўллаши керак. Пенсионер учун солиқ оқибатларига йўл қўймаслик (совға совғадек бўлиши) учун

корхоналар ЭКИХнинг 6 баравари миқдоригача солиқ солмаслик чегарасига амал қиладилар. Совға олган ҳар бир пенсионер бўйича солиқ инспекциясига, солиқ даври тугаганидан кейин 30 кун мобайнида, тўланган даромадлар ва ушланган ЖШДС суммалари тўғрисида маълумотнома берилиши керак.

**ЯИТ ва сугурта бадаллари.** Ходимлар ва пенсионерларга совғалар меҳнат ҳақи тарзидаги даромад ҳисобланмайди, тегишинча, уларга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солинмайди (СКнинг 306, 307-моддалари).

**МИСОЛ.** Умумбелгиланган солиқлар тўловчи корхона Янги йилга ўз ходимлари (25 киши) ва ишламайдиган пенсионерлар – собиқ ходимларига (5 киши) 120 минг сўмлик (ҚҚСни ҳисобга олиб) 30 та совға тўплами сотиб олди. Совға тўплалари ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёнига ҳар бир кишига алкоғолсиз газланган ичимликлар ўрови билан тўлдирилди. 1 ўрвнинг таннархи 8 500 сўмни ташкил қилади.


Сотиб олган совға тўплаларини (3 600 минг сўм) корхона ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағига харид қилиш қиймати бўйича ҳисобга қабул қилади.

Ходимларнинг совға тарзидаги даромадларини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар иш режасига, масалан, 6730-«Моддий наф тарзидаги даромадлар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» махсус ҳисобварагини киритиш мумкин, унга доир ҳисоб-китоблар ҳар бир ходим бўйича алоҳида-алоҳида юритилади. Мисолда соддалаштириш учун ҳисоб-китоб барча ходимлар учун келтирилган.


N	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Совға тўплаларининг қиймати ҳисобдан чиқарилди	3 600	9220	1090
2	Маҳсулот (ичимликлар) таннархи ҳисобдан чиқарилди	255	9110	2810
3	Совға тўплалари берилди: ходимларга	3 000	4790	9220
	пенсионерларга	600	4890	
4	Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот берилди: ходимларга (8,5 x 25)	212,5	4790	9010
	пенсионерларга (8,5 x 5)	42,5	4890	
5	Берилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисоблаб ёзилди: ходимларга (212,5 x 20%)	42,5	4790	6410
	пенсионерларга (42,5 x 20%)	8,5	4890	
6	Ходимларга совғалар харажатлари ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилди (3 000 + 212,5 + 42,5)	3 255	6730	4790
			9430	6730
7	Пенсионерларга совғалар харажатлари ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилди (600 + 42,5 + 8,5)	651	9430	4890

СКнинг 203 ва 222-моддаларида нафақат ҳисобварақ-фактуралар, балки бошқа ҳужжатларни ҳам расмийлаштиришга руҳсат берилишини ҳисобга олиб, агар ходимлар имзолаган совғаларни бериш қайдномаси мавжуд бўлса, ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш керак эмас. Бироқ бунда уни ҳисобварақ-фактура реквизитлари билан олиб бориш тавсия қилинади.

Агар корхона байрам учун махсус харид қилинган совғаларни берса, «ҚҚС» устунига чизик қўйилади, чунки солиқ суммаси нолга тенг. Агар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (қайта сотиш учун харид қилинган товарлар)ни берса, ушбу устунда совғалар таннархидан ҳисобланган солиқ суммаси акс эттирилади (ҚҚСсиз ЯСТ тўловчиларда «Кўшилган қиймат солиғисиз» белгиси қўйилади).



Совғалар бериш қайдномасини қуйидагича расмийлаштириш мумкин (пенсионерлар бўйича алоҳида қайднома бўлиши мақбул):



Совғалар беришга ҚАЙДНОМА

Табель рақами	Олувчининг Ф.И.Ш.	Қиймати (сўм)	Аққиз солиғи	ҚҚС (сўм)	ҚҚС ва аққиз ҳисобга олинган ҳолда қиймат (сўм)	Олинганлиги тўғрисида имзо
1	Алиев А.Б.	128 500	Аққиз солиғисиз	1 700	130 200	___ V ___
...	...	...		...	...	...
25	Льобушкина Л.К.	128 500	Аққиз солиғисиз	1 700	130 200	___ V ___
Жами		...	Аққиз солиғисиз	...	...	

## АРЧА БАЙРАМИ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

Янги йил байрамида ширинликлар бериш ва ходимларнинг болалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун байрам тадбирларини ўтказиш қабул қилинган. Арча атрофида айланиш ва совғалар беришни ташкил этиш усуллари бир неча бўлиши мумкин. Улар ичида энг оддийларидан бири – томоша кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташки-

лотларга мурожаат қилиш. Яъни корхона барча хизматлар тўпламини олиши мумкин, бунга хонани ижарага олиш, кўнгил очиш дастури ва болаларга совғалар улашиш қиради.

Бунда юзага келадиган харажатларни, шу жумладан болалар совғаларига ҳам ҳақ тўлаган ҳолда болалар байрамини мустақил ташкил этиш яна бир вариантдир.

**МИСОЛ.** Корхона ходимларнинг болалари учун янги йил арча байрами ташкил этиб, уларга совға бериш ва янги йил томошасини қўйишни режалаштирган. Совғалар учун харажатлар 1 050 минг сўмни (шу жумладан ҚҚС – 175 минг сўм) ташкил қилди. Янги йил кўнгил очиш дастурини ўтказиш бўйича агентликнинг хизматлари қиймати – 750 минг сўм (шу жумладан ҚҚС – 125 минг сўм).

Корхона умумбелгиланган солиқлар тўловчисидир.

**Фойда солиғи.** Янги йил арча байрами харажатлари ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган, дам олишни ташкил этиш бўйича тадбирлар харажатларига қиради ва солиқ солинадиган фойдани белгилашда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 147-моддасининг 16-банди).

**ҚҚС.** Болалар байрамини ташкил этиш учун чет фирма жалб этганда ҳисобварақ-фактурада ажратилган ҚҚС – 125 минг сўм ҳисобга қабул қилинади (СКнинг 218-моддаси).

Корхонанинг ўзи харид қилган совғалар бўйича солиқ ҳисобга киритилмайди, балки уларнинг харид қийматига қўшилади (СК 219-моддасининг 6-банди).

Болаларга совғаларнинг қиймати корхона харажати сифатида тадбирни ўтказиш зиммасига юкланган комиссиянинг раҳбар тасдиқлайдиган далолатномаси асосида ҳисобдан чиқарилади.

**Бухгалтерия ҳисобида** янги йил арча байрамини ўтказиш харажатлари қуйидагича акс эттирилади:

N	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Болалар учун совға тўплалари харид қилинди	1 050	1090	6010
2	Янги йил кўнгил очиш дастури бўйича ташкилот хизматларига ҳақ тўланди	750	4310, 6990	5110, 4310
3	Чет ташкилот хизматлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинди	125	4410, 6410	6990, 4410
4	Янги йил арча байрамини ташкил этиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	1 050	9430	1090, 6990

Хайрия ёрдами кўрсатиш учун корхона раҳбарининг буйруғи асос бўлиб ҳисобланади.

**МИСОЛ.** Қандолатчилик фабрикаси (умумбелгиланган солиқлар тўловчиси) Янги йилга Меҳрибонлик уйига 100 дона ширинликлар солинган совға тўплаларини текинга берди. Уларнинг ҳар бирининг таннархи 25 минг сўмни ташкил қилади. Шунингдек болалар уйига 2 000 минг сўм молиявий ёрдам ўтказилди.

Фойда солиғи тўлангунга қадар ҳисобот даври учун фойда 27 800 минг сўмни ташкил қилган (чегирилмайдиган харажатларни ҳисобга олмасдан).

Солиқ солиш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни текинга бериш уни сотиш деб қаралиб, фойда солиғи ва ҚҚС бўйича тегишли солиқ оқибатлари келиб чиқади.

**Фойда солиғи.** Маҳсулот текинга берилганда уни сотишдан олинган тушум таннархдан келиб чиқиб белгиланади (СК 130-моддасининг ўн биринчи қисми). Мазкур ҳолда тушумга 2 500 минг сўмни (25 000 x 100) киритиш керак.

Корхонанинг Меҳрибонлик уйига қилган харажатлари (натура ва пул шаклида) – 4 500 минг сўм солиқ солинадиган фойда ҳисоб-китобида СК 147-моддасининг 15-бандига асосан чегирилмайди. Бунда корхона солиқ солинадиган фойдани хайрия ёрдами суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 2%идан кўп бўлмаган суммага камайтиришга ҳақлидир (СК 159-моддасининг 1-банди).

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

5-бетда

Хайрия харажатларини ҳисобга олганда ва бошқа чегирилмайдиган харажатлар бўлмаган тақдирда солиқ солинадиган фойда 32 300 минг сўмни (27 800 + 4 500) ташкил қилади. Ҳисобот даврида солиқ солинадиган фойдани камайтириш суммаси 646 минг сўмни (32 300 x 2%) ташкил қилади.

**ҚҚС.** Маҳсулот текинга берилганда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база бўлиб таннарх ҳам ҳисобланади (СК 204-моддасининг иккинчи қисми). ҚҚС 500 минг сўмни (2 500 x 20%) ташкил этади. Ушбу сумма фойда солиғи ҳисоб-китобида СК 145-моддасининг 21-бандига кўра чегирилади.

**Бухгалтерия ҳисобида** хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича корхонанинг харажатлари қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Текинга берилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	2 500	9110	2810
2	Тайёр маҳсулот берилди	2 500	4010	9010
3	Текинга берилган маҳсулот қийматидан ҚҚС ҳисоблаб ёзилган ва харажатларга ҳисобдан чиқарилди	500	4010, 9430	6410, 4010
4	Хайрия ёрдами бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилганда: натура шаклида пул шаклида	2 500	9435*	4010
		2 000		6990

\*) Агар чегирилмайдиган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварағи солиқ тўловчининг ҳисоб сийёсатида кўра ҳисобварақлар иш режасига киритилган бўлса.

СК 219-моддасининг 6-банди бўйича ҚҚС суммасини ўз ичига олган қиймат бўйича 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағида ҳисоб юритишга қабул қилинган моддий бойликлар билан хайрия ёрдами кўрсатилиши бошқа активларни сотиш ҳисобварақлари (9220-ҳисобварақ) орқали акс эттирилади. ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари (тўловчиларда) юзага келмайди, чунки ТМБларни бериш баланс қиймати бўйича амалга оширилади (батафсилроқ қаралсин: «Совгалардан солиқлар – ҚҚС»).

ЯСТ тўловчиларда хайрия ёрдами бўйича солиқ оқибатлари текинга бериш «объекти» ва «адресати»га боғлиқ. Чунончи, агар чет ташкилотлардан харид қилинган ва материаллар таркибида қабул қилинган моддий бойликлар текинга берилса, қилин-

ган харажатлар ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани белгилаш чоғида ҳисобга олинмайди. Агар қайта сотиш учун харид қилинган товарлар ёки ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот текинга берилса, товарнинг харид қиймати ёки маҳсулот таннархи СК 355-моддасининг иккинчи қисми 1-бандига кўра солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади. Бироқ ушбу меъёр товарлар (маҳсулот)ни экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга беришга татбиқ этилмайди. Шу сабабли кўрсатилган жамғармалар ва ташкилотларга товарлар (маҳсулот) текинга берилганда объектда ЯСТ солиш юзага келмайди.

## БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕКЛАМА ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

Янги йил байрами арафасида кўп компаниялар сотув ҳажмини ошириш, доимий мижозларни рағбатлантириш ва янгиларини жалб этиш мақсадида реклама тадбирлари ва промоушн-акциялар ўтказадилар. Уларнинг шакллари турлича:

фирманинг рамзлари туширилган календарлар, китобчалар, эсдалик буюмларини бепул тарқатиш;

супермаркет ва гипермаркетларнинг савдо майдончаларида товарлар намуналарини намойиш этиш ва текинга тарқатиш;

яқунларига кўра совринлар берилдиган турли танловлар; ўйинлар ўтказиш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган реклама акцияларидан ташқари кўп компаниялар Янги йил арафасида харидорлар талабини кўшимча рағбатлантириш мақсадида пештахталар, холлар, бино пештоқларини Янги йил безаклари – арчалар, шода чироқлар, шарлар, зарҳал иплар билан безатадилар. Одатда бунда компания логотипи, товар белгисидан фойдаланилади ёки буларнинг ҳаммаси компаниянинг товарлари (хизматлари) тўғрисида ахборот бериш учун материал сифатида ишлатилади. Байрамона безатиш бундай ҳолларда компаниянинг, унинг товарлари (хизматлари)нинг рекламаси ҳисобланади, Янги йилга безатиш харажатларини эса реклама харажатлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бундай хулосани «Реклама тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 25 декабрдаги 723-

1-сон) 4-моддасидан келиб чиқиб чиқариш мумкин: «Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ишталган шаклда, ҳар қандай воситалар ёрдамида, юридик ёки жисмоний шахс, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технология тўғрисида тарқатиладиган маҳсулус ахборот».

**Фойда солиғи.** Реклама акцияларини ўтказишга доир корхона харажатлари фойда солиғи ҳисоб-китоби чоғида СК 145-моддасининг 10-бандига кўра чегирилади. Уларга реклама компаниялари хизматларига ҳақ тўлаш, ОАВдаги материаллар, реклама тарқатув материали – эсдалик буюмлар, китобчалар, буклетлар ва қиймати бевосита корхона харажатларига ҳисобдан чиқариладиган бошқа арзон буюмларни харид қилишни киритиш мумкин (9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварағи).

**ҚҚС.** Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактурасида ажратилган, реклама акциясини ўтказиш чоғида фойдаланиладиган солиқ суммаси СК 218-моддасига кўра ҳисобга қабул қилинади.

**ЯСТ.** Реклама компаниясини ўтказиш харажатлари солиқ бўйича солиқ солинадиган базани белгилашда ҳисобга олинмайди.

**Янги йилда бухгалтерияни юритиш билан «Norma Ekspert» мутахассислари шугулландилар.**

## ЭНГ ЯХШИ АУДИТОР КИМ?

9 декабрь куни Тошкентда бухгалтерлар ва аудиторларни тақдирлаш маросимига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари бўлиб Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (БАМА), Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва консультантлар федерацияси, ахборот ҳамкорлари бўлиб эса «Солиқ ва бошқона хабарлари» ҳамда «Солиқ инфо» ҳафтаномалари иштирок этдилар.

Анжуманда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган бухгалтер-аудиторлик жамоалари вакиллари, молия ва иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирнинг муҳим нуқталаридан бири мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон қарорига биноан ташкиллаштирилган «Йилнинг энг яхши аудитори» республика танлови ғолибларини тақдирлаш бўлди. «PRICEWATERHOUSECOOPERS» ШК, «Грант Торнтон» МЧЖ, «Norma Hamkor» МЧЖ, шунингдек «Audit Forward», «Ilmfanrivoj», «Sultonova ta'lim» сингари республика аудиторлар жамоат ташкилотларининг ўқув марказла-

ри тадбирнинг расмий ҳомийлари сифатида қатнашдилар.

Танлов 2 босқичда ўтказилди. Унинг сиртдан ўтказилган биринчи босқичида ОАВда чоп этилган аудит, молиявий ҳисоб, солиқ солиш ва ҳуқуқ, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига доир тест саволларига жавоб бериш лозим эди. Бу босқичда ғолибликни қўлга киритган республика минтақаларидан бўлган вакиллар иккинчи босқичда куч санашиш учун пойтахтга таклиф этилдилар. Иккинчи босқич қатнашчиларнинг барчасига «Йилнинг энг яхши аудитори» танловининг лауреати» дипломи топширилди. 3 нафар ғолибга эса ташкилотчи ва ҳомийлар қимматбаҳо совғалар топширишди.

Йилнинг энг яхши аудитори бўлиб **Шохруҳ Бўтаев** (CIPA,

Ўзбекистон БАМанинг фахрий аъзоси) тан олинди. 2-ўрин «FTF-Audit» АТ аудитори **Екатерина Мишовага** (CIPA, Ўзбекистон БАМанинг фахрий аъзоси) nasib этди. «Dok Audit» аудиторлик ташкилоти аудитори **Тимур Қодиров** (САР, Ўзбекистон БАМанинг ҳақиқий аъзоси) эса 3-ўринни олди.

\* \* \*

Мазкур тантанали ишбилармонлик тадбирига газетамиз ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Бухгалтернинг бўш вақти» ижодий танловининг 10 нафар энг яхши иштирокчиси ҳам таклиф этилдилар. Очиғини айтиш керакки, «СБХ»-«НТВ» газеталари томонидан ўтказилган ушбу виртуал кўрик-танлов муштарийларимизда катта қизиқиш уйғотди. Унга 46 йўналишни ўз ичига олувчи 200 дан ортиқ ижодий ишлар жўнатилган. Иштирокчиларнинг ижодий ишига овоз бериш учун gazeta.norma.uz сайтига 2 000 дан ортиқ киши кирган.

Танлов яқунларини чиқариш осон бўлмади: ҳайъатимиз вакиллари танловда иштирок этганларнинг ҳаётий фаоллиги,



қизиқарли ишлари, қолаверса газетамизга ишончи ва содиқлиги учун уларнинг деярли барчасини рағбатлантиришни истар эди.

Газетамиз танловида мебель жиҳозлари тайёрлаш ижодий иши учун I ўринни олган «LPG Trans» МЧЖнинг консалтинг бўйича мутахассиси, сертификатланган аудитор **Евгения Штефан** телевизор билан тақдирланди.

Бўш вақтини юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан ўтказадиган бухгалтер **Татьяна Браженкова** II ўринни эгаллаб, микротўлқинли печга эга бўлди.

Япон тасвирий санъати би-

лан шугулланадиган «Tashkortrans» ҚК бош бухгалтери **Римма Керимова** III ўринга лойиқ топилди ва совға сифатида унга блендер тақдим қилинди.

Бундан ташқари, энг яхши ўнликка «Ortagoconstruction group» МЧЖ бош бухгалтери **Холида Бобораҳимова**, Давлат статистика қўмитаси иқтисодчиси **Маҳмуд Комилов** ва бошқалар киришди.

Ўз ахборотимиз.

**Суратда: сертификатга эга бўлган Бўтаев Шохруҳ ва Мишова Екатерина профессионал ташкилотлар вакиллари билан.**

**?** Институтни тугаллагач, 2011 йил июнда ишга кирдим. Менга иш ҳақи ўтказишга пластик карточкани расмийлаштириш учун бухгалтер айна пайтгача ишламаганим ва ота-онам қарамоғида бўлганим тўғрисида маҳалла кўмитасидан маълумотнома олиб келишимни талаб қилди. Бироқ маҳаллада менга маълумотнома беришни рад этдилар, аввал ота-онам уйда яшашим ва ишга киргунча ҳеч қаерда ишламаганим тўғрисида учта кўшим ва уй бошқарувчиси («домком») имзолаган далолатномани, шунингдек коммунал хизматлар ҳақи тўлангани ҳақида барча квитанциялар нусхаларини тақдим этишим кераклигини тушунтирдилар. Мен 25 августдан бери ишлаяман, бироқ ҳалигача карточка ололмадим. Бунинг устига мендан энг юқори шкалада солиқ ундирадилар, сабаби мен маҳалладан маълумотнома олиб келмаганман. Бухгалтер иш ҳақимни тўғри ҳисоблаб бериши учун нима қилишим керак? Унинг талаблари қонунийми, ахир институтдан кейин менга биринчи марта меҳнат дафтарчасини расмийлаштиришди, дипломнинг нусхасида эса ўқишни тугаллаган сана кўрсатилган?

## БИРИНЧИ МАРТА ИШГА КИРГАНДА

– Шубҳасиз, бухгалтер қонунга зид ҳаракат қилмоқда. Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 80-моддасининг биринчи қисмида иш берувчи ишга кираётган ҳар қандай шартдан талаб қилишга ҳақли ҳужжатларнинг умумий сони қайд этилган. Улар орасида – турар жойидан маълумотнома ва туғилганлик тўғрисида гувоҳнома бор (16 ёшга тўлмаган шахс ишга қабул қилинаётганда паспорт ўрнига тақдим қилинади, бу сизга тааллуқли эмас).

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда ишга кираётганда кўшимча ҳужжатлар тақдим этиш зарур.

Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар ва ходимларнинг айрим бошқа тоифалари соғлиғи ҳолати тўғрисида маълумотнома берганда ишга қабул қилинадилар (МКнинг 214-моддаси).

**Шуни эсда тутиш зарурки, қонун ишга кираётганлардан МКда назарда тутилганлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилишни тақиқлайди.** Бу муҳим юридик кафолат ҳисобланади.

Саволингизга қараганда, сиз биринчи бор ишга киргансиз, меҳнат шартномаси тузаётганда сиз учун меҳнат дафтарчасини иш берувчи расмийлаштирган (МКнинг 81-моддаси). Шу сабабли Солиқ кодекси 186-моддасининг 6-қисмидаги жисмоний шахсларнинг даромадларига энг юқори ставкада солиқ солиш тўғрисидаги талаб сизга татбиқ этилмайди.

Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомнинг (АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 18-бандида «банк карталарини тарқатувчи тижорат банки билан унинг мижози ўртасида ёзма шаклда тузиладиган шартнома асосида банк карталарини фойдаланишга бериш» назарда тутилган.

Амалиётда шартнома асосида сизнинг номингиздан ушбу ҳужжатларни бухгалтерия ходимлари расмийлаштирадилар.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, сиз банк картасини фойдаланишга беришларини ҳамда солиқ солиш базаси ва ишга қабул қилинган кунингиздан бошлаб амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалардан келиб чиқиб даромад солиғи суммаларини қайта ҳисоб-китоб қилишларини сўраб раҳбар номига ариза ёзиб муурожаат қилишингиз лозим.

«Меҳнат таътилининг меъёри борми?» тушунтиришига қайтиб

## ЗИДДИЯТНИ ИЗЛАМАНГ


**?** «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2011 йил 8 ноябрдаги 45 (330)-сонидан чоп этилган «Меҳнат таътилининг меъёри борми?» тушунтириши бизда яна саволлар юзага келтирди.

Унда айтилишича, солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегириладиган харажатларга ходимларга бериладиган 15 иш кунига таътил ҳақи кириши, улардан кўп (48 кунгача) таътил ҳақи кирмаслиги қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилмаган. Уни ўқиганда Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилган тақдирдагина солиқ солинадиган фойдадан 48 (!) иш кунини чегирилиши мумкин деган фикр келади.

Бироқ СКнинг 11-моддасида назарда тутилишича, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Бундан ташқари, Президентнинг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармонида айтилишича, «тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принциpigа амал қилинади, яъни, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади».

Агар биз СКнинг 11-моддаси қоидаларига асосланган ҳолда, СКнинг 143-моддасида белгиланган меъёрларни бир хилда қўллаш мумкин эмаслигини эътиборга олиб, солиқ солинадиган фойдани белгилаш чоғида 15 иш кунини ўрнига 48 кунгача бўлган таътиллarga ҳақ тўлашда харажатларни чегирасак, бу билан қонунга зид иш кўрмаган бўламизми?

О. Ахатов,  
бош бухгалтер.



– Бу солиқ органлари томонидан қонунбузарлик деб баҳоланади. МК 143-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган 48 иш кунини қонун ҳужжатларида белгиланган таътиллар умумий давомийлигининг жамликда энг юқори кўрсаткичи. Бироқ бу МКнинг 134-138-моддаларида назарда тутилган муайян алоҳида олинган таътил тури (на асосий, на кўшимча) учун меъёр ҳисобланмайди. Шу сабабли Солиқ кодекси (бундан кейин

– СК) 147-моддасининг 10-бандини қўллаш чоғида мазкур кўрсаткичга таяниш тавсия этилмайди.

СКнинг 11-моддасига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Олий ҳужалик суди Пленумининг «Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» (2010 йил 18 июндаги 210-сон) қарори 1.2-бандида назарда тутилишича, мазкур қоида, биринчидан, қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлганда; иккинчидан, қонун ҳуж-

### МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?



жатларининг нисбатини «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун (2000 йил 14 декабрдаги 160-II-сон) 14-моддасида белгиланган қоидалар асосида бартараф этиб бўлмаганда қўлланади.

СКнинг 143 ва 147-моддаларида асосий ва кўшимча таътиллarning аниқ кунлари сони белгиланмаган, уларга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар солиқ солинадиган базадан чегирилади, улардан ортиқчаси эса чегирилмайдиган харажатлар бўлиб ҳисобланади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида эса асосий ва кўшимча таътиллар муддати аниқ ёки энг кам кунлар сони билан белгиланади. Фикрлардаги ушбу хилма-хиллик энг кам таътил муддати белгилангани сабабли юзага келган, чунки Меҳнат кодекси иш берувчига мазкур меъёрларни ошириш ва ўз ходимларига кўпроқ муддатга таътил бериш ҳуқуқини тақдим этган.

**Амалиётда корхоналар асосий ва кўшимча таътил пулини тўлашда чегириладиган харажатлар миқдорини белгилаётганда МКнинг 134-138-моддаларида, шунингдек муайян тоифалардаги ходимларга нисбатан алоҳида қонун ҳужжатларида белгиланган умумий меъёрларга амал қилишларини тавсия этилади.**

Артём МОКШИН,  
«Норма» МЧЖ эксперт  
юридик хизматининг  
бошлиғи.

## ХОДИМ ИШДАН БЎШАШ НИЯТИДАН ҚАЙТДИ

**?** Ходимимиз таътил олди, ундан кейин меҳнат шартномасини бекор қилишларини сўраган эди. Яқинда у қўнғирок қилиб, аризасини қайтариб олмоқчи эканлигини, таътил тугагач ишга чиқишини маълум қилди. Ходим шундай йўл тутишга ҳақлими?

Нигина Н.

– Ходим кейин меҳнат муносабатларини бекор қилган ҳолда таътил беришларини сўраб ариза топширган кундан бошлаб 2 ҳафта ўтмаган бўлса, ўз ҳуқуқидан фойдалана олади (МК 99-моддасининг учинчи қисми ва 152-моддасининг иккинчи қисми).

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ

**?** Ходимлар касоба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда раҳбар корхонадаги Ички меҳнат тартиби қоидаларига ишга кеч келганлик учун 50%гача миқдорда жарима жазосини киритди. Бу қонунийми?

Наиль Р.

– Ҳа, қонуний. Интизомий жазолар рўйхати – иш берувчи қўллаш оладиган ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30%идан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима чоралари МКнинг 181-моддасида белгиланган. Бунда

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин (МК 181-моддасининг биринчи қисми 2-банди).

Бироқ интизомий жазо қўллаганда ходим содир этган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори инobatга олиниши кераклигини унутмаслик лозим (МКнинг 182-моддаси; Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сон қарори 30-банди).

## РАХБАР ТАЙИНЛАГАН КЕНГАШ ЖАМОА ВАКИЛИ БЎЛА ОЛМАЙДИ

**?** Корхонамизда ходимлар вакиллик органи йўқ. Биз уни ташкил этмоқчи эдик. Шу муносабат билан раҳбарият (унинг таркибида икки нафар раҳбар ўринбосари ва бўлимлар бошлиқлари бор) тайинладиган меҳнат жамоаси кенгаши ходимлар вакиллик органи ҳисоблана оладими деган савол туғилади.

Анвар С.

– Йўқ, ҳисоблана олмайди. Ходимлар вакиллик органи – иш берувчи билан муносабатларда ходимлар манфаатларини ифода этиш ҳуқуқи бериладиган орган. МКнинг 21-моддасига мувофиқ меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш

ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаб ва уларнинг сайлаб қўйилган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин, бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари муддати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди.

Раҳбарият тайинлаган меҳнат жамоаси кенгаши эса ходимлар вакиллик органи деб ҳисоблана олмайди.

## БИР ЙИЛ ЎТГАЧ ИШДАН БЎШАТИШСА...

**?** Штат қисқариши тўғрисида огоҳлантириш берилганига 6 ой бўлган бўлса, иш берувчи қисқариш сабабли ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга ҳақлими?

Клара Ц.

– Ҳа, ҳақли. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди) меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходимлар меҳнат шартномаси тугатилишидан камида икки ой олдин шахсан имзо чектириб огоҳлантирилади (МКнинг 102-моддаси).

Амалдаги қонун ҳужжатларида ходимни меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш зарур бўлган энг кам муддат белгиланган. Огоҳлантириш ўз кучини йўқотадиган энг кўп муддатлар қонунда назарда тутилмаган.

## ТАЪТИЛДАН ЧИҚИБ ИШДАН БЎШАШ

**?** Ходим навбатдаги меҳнат таътили беришларини, таъ-

тил муддати тугагандан кейин ишга чиқмай, меҳнат шартномасини бекор қилишларини сўраб ариза топширди. Агар меҳнат таътили 1.11.2011 йилдан 28.11.2011 йилгача расмийлаштирилган бўлса, 28.11.2011 йилни меҳнат шартномаси бекор қилинган сана деб ҳисобласа бўладими? Ёки ходим 29.11.2011 йилда ишга чиқиши шартми, ана шунда мазкур сана меҳнат шартномасини бекор қилиш куни деб ҳисобланган бўларди?

Сергей В.

– Сизнинг ҳолатингизда меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси 2011 йил 28 ноябрь ҳисобланади, чунки МК 152-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси бўлиб таътил тугаган кун ҳисобланади.

## ҲАР ХИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРУВЧИ ИШЧИ: УНГА ДАРАЖА БЕЛГИЛАНМАГАН

**?** Ишчилар касбларининг таснифлари қандай белгиланади? Уни турли ишларни бажарувчи ишчиларга нисбатан қўлласа бўладими? Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат билан қаерда танишиш мумкин?

О.Сон.

– Бевосита ишлаб чиқаришда янги касб бўйича таълим олган ёки малакасини оширган ҳамда малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахсларга касб эгал-

лагани ва уларга разряд, даража, тоифа берилгани ҳақида гувоҳнома топширилади.

Демак, турли ишларни бажарувчи ишчиларга даража берилмас экан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» 181-сон қарорининг 4-банди билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тасдиқланган Классификатор (унда лавозимлар

ва касбларнинг 7 826 номланиши кўрсатилган) асосида 2011 йил охиригача, касб тайёргарлиги йўналишларига қўйиладиган талабларни кўрсатган ҳолда, хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини, шунингдек тегишли лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган.

Асосий хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари классификацияси жадвали билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида танишингиз мумкин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида бизга маълум қилишларича, жорий йил охиригача ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, даража белгиладиган лавозимлар ва касблар рўйхати тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристуимиз.

## Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 19 декабрдаги 10-1119/21147-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги «Bursa Impex» МЧЖ банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчиси этиб О.Пўлатова тайинланган. Мазкур корхонага тегишли бўлган думалоқ муҳрлар ва учбурчакли тамгалар ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 30 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 декабрдаги 10-1114/21158-сонли ажримига асосан Олмазор туманидаги «Mohammad Niusha Servis» МЧЖ ҳамда 10-1114/21159-сонли ажримига асосан «Xotamttoy Savdo» МЧЖ бўйича умумий тартибда банкрот деб иш юритиши бошланди ва кузатув жараёни жорий қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб У.Исроилова тайинланган. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 30 декабрь куни соат 14.30 да Тошкент ш., Қора-

сарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 111-хонада бўлиб ўтади. Кредиторлар йиғилишига кредиторлик қарздорлиги бўйича талаблар қабул қилинади. Банкротлик ишининг суд мажлиси муҳокамаси 2012 йил 6 январь куни соат 10.00 да Олмазор туман ДСИ биносида (манзил: Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, 111-хона) очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 10-1109/20705-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги «MIR-M-MAGNAT» МЧЖ ҳамда 10-1109/20706-сонли ҳал қилув қарорига асосан «ORIGINAL BIZNES GARANT» МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга доир ишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Чилонзор туман ДСИ ходими С.Кубаев тайинланган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамп бекор қилинди. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2011 йил 27 декабрь куни соат 15.00 да Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-уйда (почта индекси: 100135) Чилонзор туман ДСИ биносида 202-хонада ўтказилади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой давомида ўз

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2009 йилдаги 00642-сон лицензия  
УФР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

**Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади**  
**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиши**

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга тақлиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-уй (почта индекси: 100135) манзилига билдиришлари мумкин. Тел.: 276-94-12, 276-98-22.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 12 декабрдаги 10-1119/20419-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги «KVAR CEMENT SHK» банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчиси этиб О.Пўлатова тайинланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳри ва учбурчакли тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 30 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b> Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.	Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.	Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.	Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b> «ААА» – бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш. Ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Тулиқ бухгалтерия кузатуви. Тўлов – исталган шаклда. Тел. (+99890) 910-92-20.	Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.	<b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b> Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик. Тел.: (+99890) 319-62-37.	<b>БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ</b> Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак. Тел.: 109-26-11, 128-25-08.
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b> Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.	«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юклари декларациялаш. Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11.	<b>ХИЗМАТЛАР</b> «ADVANCED COMPUTER SERVIS». Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш. Тел. 726-52-33.	*Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ  
ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ  
Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
тел. 283-44-57  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нўқтаи назарига мос келмавермайди.  
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тулиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат "Норма" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Ишче – 186 Буюртма 1371 Алади 3850. Баҳоеси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 19 декабрда соат 17.30 да топширилди.  
ISSN 2010-5223